

# ОҲАНГАРОНДА НАСЛИ ҚОРАМОЛЛАР



# 40-50 ЛИТРГАЧА СУТ БЕРАДИ

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Тошкент вилоятида худудларни бир хил маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 октябрдаги “Тошкент вилояти Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида”ги қарори билан мазкур худудда 2019–2021 йилларда қорамолчилик ва қўй-эчкичиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.**

Бунинг учун туманда умумий қиймати 746 миллиард 598 миллион сўмга тенг 30 та чорвачилик комплекси (17 та қорамолчилик, 13 та қўй-эчкичилик) қуриш режалаштирилган.

**ТАДБИРКОРГА 5 МИЛЛАРД  
800 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ  
АЖРАТИЛДИ.**

Айни пайтда қарор ижросини таъминлашга қаратилган амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу кунларда тумандаги қорамолчиликка ихтисослашган “Қурама қорабайирлари” МЧЖ ташаббуси билан Нидерландиядан 61 бош “Ангус” зотли насли чорва олиб келинди. Тез кунларда уларнинг қолган 429 таси ҳам манзилга етказилди.

Мазкур корхонада аввалига маҳаллий от ва қорамол зотларини боқиш йўлга қўйилган эди. Кейинроқ юртимизда наслчиликни ривожлантиришга бўлган талаб туфайли корхона раҳбарлари наслдор қорамолларни кўпайтиришга аҳд қилишди. Аммо хориждан зотдор молларни олиб келиш ва катта сифмига эга молхона қуриш ишларига озмунча маблағ талаб этилмайди. Ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун банкка кредит сўраб мурожаат қилган тадбиркорларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уларга 19 фоиз ставка асосида 7 йил муддатга 5 миллиард 800 миллион сўм кредит ажратилди. Ишбилармонларга кўмак бўлиши учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди 19 фоизли кредитнинг 3 фоизини тўлаб беришни ўз зиммасига олди.

Банкдан кредит ажратилгач, Нидерландиянинг бутун дунёга чорва моллари тарқатадиган йирик “Хунланд” компаниясининг Германиядаги офиси билан шартнома имзоланди. Келишувга кўра, корхонага йил охирига қадар яна минг бош зотдор қорамол олиб келиниши белгиланган.

— Бугун Европа давлатларида наслчилик

ниҳоятда ривожланган, — деди “Қурама қорабайирлари” МЧЖ раҳбари Тошпўлат Маткаримов. — Аммо қадимда бизнинг диёримизда ҳам насли, зотдор моллар кўп эди. Ҳатто европаликлар наслдор молларимизга талабдор бўлган. Бироқ кейинчалик юртимизда наслчиликка эътибор бироз четда қолди. Бугунга келиб эса бу йўналишни қайта ривожлантириш, ҳар бир хонадонда зотдор молларни етиштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Хориждан наслдор молларни олиб келиб, уларнинг маҳаллий турларини яратиш ва кўпайтириш мақсадида ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга катта имтиёзлар берилаяпти.

**ЙИЛИГА 9 МИНГ ТОННА  
СУТ, 86 ТОННА ГЎШТ  
ЕТИШТИРИЛАДИ**

Ҳозир чорвачилик комплексида 6 гектарли майдонда 1500 ўринга мўлжалланган молхона қурилмоқда. Корхона фаолияти учун туман захира ерларидан ажратилган 320 гектар сувли, 880 гектар яйлов ҳамда 208 гектар лалми майдонларга қорамоллар учун озуқа экинлари, хусусан, беда ва маккажўхори экиш ишлари бошланган.

— Нидерландиядан келтирилган зотдор қорамолларни боқишнинг ўзига яраша мураккаб жиҳатлари бор, — дейди Тошпўлат Маткаримов. — Улар маҳаллий қорамоллардан фарқ қилади. Масалан, бизнинг сигирларимиз кунига 300-400 грамм вазн тўпласа, Европа қорамоллари яхши озиқлантирилса, 1,5-2 килограммгача вазн йиғади. Уларнинг сут беришида ҳам катта фарқ бор. Маҳаллий сигирларимиз бир кунда 3-4 литр сут берса, хорижнинг зотдор моллариники эса 40-50 литр гача етади. Бу, табиийки, зотдор қорамолларни озиқлантириш, парвариш қилишда ҳам муайян билим ва тажриба зарурлигини кўрсатади. Шу боис, биз барча керакли техника ва мутахассислар етказиб бериш учун “Агротич холдинг” компанияси билан 7 йилга шартнома имзолаганмиз. Шу вақт давомида улар томонидан тавсия қилинган малакали мутахассис, ветеринарлар билан ҳамкорликда ишлаб, зотдор молларни кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Келгусида чорвачилик комплексида қорамолларни боқиш жараёни тўлиқ электронлаштирилади. Ҳар бир сигирнинг бўйнига осиб қўйиладиган махсус чиплар ёрдамида уларнинг умумий ҳолати доим назорат қилинади. Молларни озиқлантириш ҳам замонавий технологиялар ёрдамида бажарилади. Бунда озуқа маҳсулотлари махсус техникалар ёрдамида керакли вақтда, белгиланган миқдорда бериб борилади.

Комплексида йилига 9 минг тонна сут, 86 тонна гўшт етиштириш мўлжалланган. Ҳозир “Қурама қорабайирлари” МЧЖда 40 га яқин янги иш ўрни яратилган бўлиб, лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, уларнинг сони 80 тадан ортади. Тадбиркорлар келгусида корхона тармоқларини янада кенгайтириб, гўштни қайта ишлаш цехини ҳам ишга туширишни мақсад қилган.